

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннаева Зарифа Мусурмонқуловна

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида экологик вазият таҳлил этилади. Экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатаётган жиҳатлар уларнинг сабаблари таҳлил этилади. Шунингдек, экологик вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи омиллар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Калит сўзлар: экология, атроф-муҳит, инсон, сиҳат саломатлик, тоза ҳаво, иқлим, сув ресурслари, муҳофаза, шўрланиш, маиший чиқинди, ис газы, табиат, инқироз, муаммо, шарт.

Ўзбекистонга собиқ совет тузумидан қатор ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммолар билан бир қаторда каттагина экологик муаммолар ҳам мерос қолди. Ушбу муаммолар сарасига Орол денгизининг қуриши, тупроқнинг минерологик ҳолатининг бузилиши, ерларнинг шўрланиши, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши кабиларни санаб ўтиш мумкин. Экологик муаммо бугунги кунда кун сайин долзарблашиб бораётган жиддий муаммолар қаторига киради. Чунки, ҳозирги замон экологик муаммолари кишилик жамиятининг барқарор ривожланишига хавф солмоқда. Табиий тизимларнинг тобора таназзулга юз тутиши биосферанинг бузилишига, унинг яхлитлигига ва жамиятнинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган атроф-муҳит сифатини таъминлаб туриш қобилиятини йўқотишга олиб келмоқда.[1]

Инсонияти барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳақиқий хавф солаётган муаммолардан бири экологик муаммолар глобал, минтақавий ва миллий характерга эга. Биз ушбу мақолада Сурхон воҳасидаги экологик ҳолат ва уни барқарорлаштириш шартлари ҳақида сўз юритамиз. Сурхондарё вилояти ҳудудининг кўлами 20,8 минг квадрат километр бўлиб, бу Ўзбекистон ҳудудининг 4,6 фоизини ташкил этади. [2] Вилоятнинг релефи тоғ ва текисликлардан иборат, шимолдан жанубга қиялашиб кенгайиб боради. Воҳанинг тоғ зонаси ва адирларида асосан ғалла етиштирилади. Сурхон-Шеробод текислиги пахтачилик сабзавот-полииз ва боғ-роғлага ихтисолашганлиги билан ажралиб туради. Воҳанинг ҳудуди ўзининг кўплаб қазилма бойликларига эга. Жумладан: нефть ва газ (Ховдак, Какайди, Лалмикор, Амударё бўйи текисликлари), тошкўмир (Шарғун), Ҳисор, Бойсун, Кўҳитанг тоғ этаклари), полиметалл (Сангардак), Ош тузи (Хўжаикон) ва бошқа шунга ўхшаш фойдали қазилма бойликлари мавжуд. [3]

Сурхон воҳасининг экологик ҳлатига салбий таъсир ўтказадиган экологик муаммолар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин.

1). Саноат корхоналаридан чиқадиган заҳарли техноген чиқиндилар.

2). Қишлоқ хўжалигида шлов беришда қўлланиладиган ва зараркунандаларга қарши курашадиган заҳарли кимёвий бирикмалар.

3). Автотранспорт воситалардан чиқадиган турли хил токсинли ис газлари.

4). Маиший хўжалик корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар. [4]

Ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган турли кимёвий бирикмалар аграр соҳада ишлатиладиган минерал ўғитлар, пестицидлар ва гербицидлар, фторли водород бирикмалари, сувларга, атмосфера ҳавосига, ўсимликларга, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларига, инсон организмига сингиб боради. Бунинг оқибатида атроф-муҳитда аҳоли яшаш жойларида, ирригацион тизимларда, агроландшафтларда кескин экологик вазият юзага келади. Бу эса ўз навбатида ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда воҳа ҳудудида, хусусан унинг шимолий қисмида кенг тарқалган гепатит, ошқозон-ичак, эндокрин, нафас йўллари ва бошқа касалликларнинг асосий сабаби атроф-муҳитнинг заҳарли кимёвий моддалар, техноген ва маиший хўжалик чиқиндилари билан ифлосланиши натижасида вужудга келган экологик вазиятнинг салбий таъсиридир.

2018 йилда Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси воҳадаги экологик ҳолатни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги геоэкологик районларга ажратиб чиқди.

1. Термиз-Амударё райони-кучсиз ифлосланган ва маиший чиқиндилар нисбатан кўп тўпланган ҳудуд.

2. Қуйи Сурхон воҳаси – дефоляция ва шўралниш туфайли зарарланган ҳудуд.

3. Ўрта Сурхон воҳаси хўжаликда кимёвий бирикмалар кўп ишлатилган ва тупроқла ушбу бирикмаларнинг нисбатан юқори даражада тўпланган ҳудуд.

4. Юқори Сурхон воҳаси – металлген чанглр билан ифлосланган ҳудуд. [5]

Юқоридаги ҳолатдан ҳам кўриниб турибдики, атроф-муҳит муҳофазаси борасида Сурхондарё вилоятида ҳам ўз ечимини кутаётган талай муаммолар мавжуд. Жумладан, чиқиндиларни бошқариш, полигонларга жойлаштириш, утиллаштириш, консервация қилиш ва ноқонуний чиқиндихоналарда чиқиндиларни тўпланиб қолиши, аҳолини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш, тупроқ ва сувнинг ифлосланиши ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, атмосфера ҳавосининг саноат объектлари ва транспорт воситалари фаолияти натижасида ифлосланиши каби муаммолар. Ушу муаммоларнинг энг аянчлиси шундаки, 1971-1998 йиллар давомида Сурхондарё вилояти “Агрокимёхимоя” корхонасига қарашли омборхоналарда совет даврида ишлаб чиқарилган 28 турдаги ишлатишга яроқсиз 784 тонна заҳарли кимёвий моддалар сақланиб қолган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 январдаги “Заҳарли кимёвий моддаларни

кўмиш жойларида экологик ҳолатни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2012 йил 17 январдаги ушбу масала юзасидан қабул қилган қарори асосида вилоятда заҳарли кимёвий моддаларни зарарсизлантириш ва кўмиш учун мўлжалланган махсус майдонларни 2014-2015 йиллар давомида давлат маблағлари асосида қуриб битказиш ишлари бошлаб юборилди. 2018 йилга келиб қурилиш ишлари якунланди ва барча кимёвий заҳарли воситалар махсус темир бетон бункерларга жойлаштирилиб консервация қилинди.[6]

Воҳадаги экологик муаммолардан яна бири ерларнинг шўрланиши саналади. Масалан, 2018 йилда вилоятдаги 325,63 гектар экин майдонининг 237,4 гектари шўралнган, шундан 66,17 гектари кучсиз, 30, 30 гектари ўртача, 1,168 гектари эса кучли шўранган ҳолатда эди. [7]

Бугунги кунда воҳада ерларнинг шўрланиш ҳолатини яхшилаш ва шўрланган ерларни қайта қишлоқ хўжалик оборотига киритиш юзасидан 2022 йилга қадар мўлжалланган амалий дастур қабул қилинган ва ушбу дастур асосида тизимли ишлар амалга ошириб борилмоқда.

Вилоятда экологик ҳолатни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар доирасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сув хизматларини яхшилаш масалалари ҳам муҳим ўрин тутди. Биргина 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида Сурхондарё вилоятида жами 287,67 км узунликдаги ичимлик сув тармоғи янгидан қурилди, 16 та сув қудуғи янгидан қазилди, 3 та сув қудуғи қайта реконструкция қилинди, 16 та сув минораси ўрнатилди, 4 та сув ҳавзаси янгидан қурилди ва 6 та сув ҳавзаси қайта таъмирланди. Ушбу ишларни амалга ошириш натжасида вилоятда 25 та маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи 80 мингга яқин аҳоли марказлашган сув таъминоти тизимидан фойдалана бошлади. [8]

Юқорида келтирилган дастур асосида вилоятда оқава сув тизимларини қуриш ва қайта таъмирлаш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 26 млрд 73 миллион сўм ажратилди. [9]

Хуллас, иқтисодий секторларда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар табиий ресурслардан фойдаланиш даражасига ва атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Кўрилган чоралар атмосферани ифлослантириш даражасини пасайтиришга, сув ресурсларининг тозалигини таъминлашга, заҳарли кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалигида қўллашни камайитиришга, экин майдонларининг тузилишини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда Сурхон воҳасида ҳам атроф-муҳит муҳофазаси борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда бу эса ўз навбатида воҳа табиатининг янада

мусоффолашуи ҳама вилоятнинг экотуристик салоҳиятини янада ошишига хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза. Т. 2006. –Б 5.
2. Annayeva, Z. M. (2022). ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AND WAYS TO SOLVE THEM (INDEPENDENCE PERIOD). Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4), 182-187.
3. Annayeva, Z. M. (2020). ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AND WAYS TO SOLVE THEM (INDEPENDENCE PERIOD). Theoretical & Applied Science, (7), 67-69.
4. Tursunov S, Paradaev T, Tursunova N, Murtazaev B. O'zbekistonda baxshichilik san'atning shakllanishi va taraqqiyoti tarixi. Toshkent.; 2015. "Tafakkur". B 34.
5. Ahmedova, G. O. (2022). The Role of Bakhshi Abdunazar Payanov in the Development of the Art of Baxshi in the Surkhandarya Oasis. American Journal of Social and Humanitarian Research, 3(2), 342-346.
6. Ahmedova, G. O. (2020). ATIONAL, REPERTOIRE, TEACHER, CREATION, ART, OASIS, PEOPLE, STUDENT. Theoretical & Applied Science, (7), 74-77.
7. Ikromov, N. M. (2021). The Rule of the Ancient Bactrian Cavalry in the History of the Peoples of Central Asia. Central Asian Journal of Social Sciences and History, 2(10), 111-118.
8. Ikromov, N. M. (2021). KAVIS'REIGN IN THE FIRST TERRITORIAL STATEHOOD OF ANCIENT BACTRIA. World Bulletin of Social Sciences, 4(11), 77-81.
9. Ikromov, N. M. Is Bactria the Kingdom or the Kavian. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). Journal of Multidisciplinary Research (IJMR).
10. Икромов, Н. М. (2020). КАВИЙЛАР ТАСВИРЛАНГАН БАҚТРИЯ БУЛЛАСИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 3(3).
11. Икромов Н. Қадимги Бақтрия илк ҳудудий давлатчилигида кавийлар ҳукмронлиги //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 127-135.
12. Ikromov, N. M. (2021). The Rule of the Ancient Bactrian Cavalry in the History of the Peoples of Central Asia. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 2(10), 111-118.
13. Ra'no, T. U. (2017). Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
14. Urazova, R. T. (2016). INTERPRETATION OF THE 31ST GATHA OF YASNAIN" AVESTA". Himalayan and Central Asian Studies, 20(4), 90.
15. Уразова, Р. Т. (2022, April). АНАЛИЗ УРОВНЕЙ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ ПО РЕЛИГИОЗНЫМ ИСТОЧНИКАМ (НА ПРИМЕРЕ АВЕСТА И РИГВЕДА). In E Conference Zone (pp. 183-185).

16. Mirzaev, P. D. D. Z. Termez Sayyids, as well as majority of sayyid families of Central Asia, erect the family tree to one of the grandsons of imam Zayn al-abiddin Ali ibn Al-Hussein-Ubaydullah «al-araj»-«Lame». One of the grandsons of Abu Ja'far-Hussein Abu Abdallah has got over in Samarqand, and then in Balkh. His sole son Hasan Abu Muhammad has moved from Balkh to Termez in 865.

17.МИРЗАЕВ, Ж. З. (2021). ТЕРМИЗ ШАҲРИ НОМИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ БОРАСИДА. In Uzbek Conference Publishing Hub (Vol. 1, No. 01, pp. 295-299).

18.Мирзаев, Ж. З., & Саидахматов, Ш. Т. (2021). МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. ХАБАРШЫСЫ, 1, 161.

19.Мирзаев, Д. З. (2018). Русское поселение на границе с Афганистаном в личных воспоминаниях. In Частное и общественное в повседневной жизни населения России: история и современность (pp. 290-296).

20.Mirzayev, J. REGIONAL IDENTITY FORMATION IN CENTRAL ASIA FROM HISTORICAL PERSPECTIVE.

21.Турдиқулов, Ш. Д. (2022). СУРХОНДАРЁ ОНОМАСТИК САТҲИДА ТЕОТОПОНИМЛАР. Educational Research in Universal Sciences, 1(5), 217-220.

22.Turdikulov, S. D. (2020). ETHNOLINGUISTIC FEATURES OF SURKHANDARYA MICROTOPYMS (ON THE EXAMPLE OF THEOTOPYMS). Theoretical & Applied Science, (4), 81-83.

23.Botyrova, M., & Bozorova, G. (2023). THE USE OF METAPHOR IN FICTION. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture, 3(1 Part 2), 82-89.

24.Botirova, M., & Qayumova, M. (2022). Language Characteristics of Phraseological Units. Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences, 1(1), 80-83.

25.Makhliyo, B. (2022). Linguistic Features of Artistic Similes. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(11), 41-46.

26.Qizi, B. M. B., & Sanjarovich, I. S. (2021). BADIY MATNNING LINGVISTIK MOHIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(3), 46-51.

27.Kultayeva, F. (2022, November). ERGONIMLARNING JAHON VA O 'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA O 'RGANILISHI. In E Conference Zone (pp. 131-136).

28.KULTAEVA, Fazilat. "ANALYSIS OF ERGONOMIC UNITS AT THE ONOMASTIC LEVEL." (2022).

29. Fazilat KULTAEVA. (2022). STUDY OF ERGONYMS IN UZBEKI LINGUISTICS. World Bulletin of Social Sciences, 16, 11-14 Турсунов, С., Пардаев, Т., & Махмадиёрова, Н. (2012). Сурхондарё-этнографик макон.

30.Tursunov, S. (2008). Toponyms of Surkhandarya region. T.: Alisher Navoi National Library of Uzbekistan.

31. Zokirov, S. I., Sobirov, M. N., Tursunov, H. K., & Sobirov, M. M. (2019). Development of a hybrid model of a thermophotogenerator and an empirical analysis of

the dependence of the efficiency of a photocell on temperature. Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers, 15(3), 49-57.

32. Горовик, А. А., & Турсунов, Х. Х. У. (2020). Применение средств визуальной разработки программ для обучения детей программированию на примере Scratch. Universum: технические науки, (8-1 (77)), 27-29.

33. Tursunov, S., Qobilov, E., Pardaev, T., & Murtazoev, B. (2004). History of Surkhandarya. T.: East.

34. Турсунов, С. Н., Пардаев, Т. Р., Турсунова, Н. М., & Муртазоев, Б. (2015). Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шакилланиши ва тараққиёти тарихи.

35. Турсунов, С. (2006). ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти–Сурхондарё этнографияси. Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 275, 275.

36. Турсунов, С. (2002). Термизий буюк сиймолари. Т.: Шарқ.

36. Турсунов, С. Н., Чориев, Р. Қ., Муртазоев, Б. Х., & Чўтматов, Ж. О. (2019). Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар.– Т. Yangi nashr.

37. Турсунов, С. (2010). Хотира-барҳаёт, қадр-мангу. Тошкент: Фан, 10-11.

38. Tursunov, S., Kobilov, E., Murtozoyev, B., & Pidayev, T. (2004). History of Surkhandarya. (p. 177). Editorial office of oriental publishing and Printing Company, 2, 1870-1917.

39. Tursunov, S., & Murtazoev, P. (2016). Scientific thought of Termezians. T.: Uzbekistan.

40. Tursunov, S., & Rustamova, N. (2021). Professor Mamat Haydarov: Science, Management and Youth School. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(7), 602-607.

41. Турсунов, С. Н. (2020). О Сюань-цзане и истории буддизма. Бюллетень науки и практики, 6(11), 444-451.

42. Турсунов, С., Умаров, И., Пардаев, Т., Турсунов, А., Холмонова, Ф., & Нарзуллаева, Н. (2017). Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. Термиз: Сурхоннашр, 75.